



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

## BECOME A DOMINANT POSITION OF ISLAM AND DESCRIPTION OF BELIEFS, TEACHINGS AND ETHICAL STANDARDS

Sarvinoz Ibragimova  
researcher  
Fergana State University  
Fergana, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Islamic religion, theology, moral culture, Qur'an, jurisprudence, Islamic thinking, scholar

**Received:** 10.10.22

**Accepted:** 12.10.22

**Published:** 14.10.22

**Abstract:** The Islamic scientific renaissance period was explained in the article with different concepts, and these concepts are the cause of debates between Western and Eastern scientists. Also, scientific conclusions about the influence of Islam as an ideology and the Arabic language as a scientific language in the fields of theology, philosophy, literature, and architecture of this new culture are given.

## ИСЛОМ ДИНИНИНГ ҲУКМРОН МАВҚЕГА АЙЛАНИШИ ВА ЭЪТИҚОДЛАР, ТАЪЛИМОТЛАР ВА АХЛОҚИЙ НОРМАЛАР ТАВСИФИ

*Сарвиноз Ибрагимова  
тадқиқотчи  
Фарғона давлат университети  
Фарғона, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ислом дини, теология, ахлоқий маданият, Қуръон, фикҳ, Ислом тафаккури, муфаққих

**Аннотация:** Мақолада ислом илмий уйғониш даврини турли тушунчалар билан изоҳланди ва бу тушунчалар ғарблик ва шарқ олимлар ўртасида баҳсларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, Бу янги маданиятнинг илоҳиёт, фалсафа, адабиёт, архитектура каби соҳаларида исломнинг мағкура сифатида ва араб тилининг фан тили сифатида таъсирига оид илмий хуносалар берилган.

## СТАНЬТЕ ГЛАВНЫМ ПОЛОЖЕНИЕМ ИСЛАМА И ОПИСАНИЕ ВЕРОВАНИЙ, УЧЕНИЙ И ЭТИЧЕСКИХ СТАНДАРТОВ

**Сарвиноз Ибрагимова**

научный сотрудник

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** исламская религия, теология, нравственная культура, Коран, юриспруденция, исламское мышление, ученый.

**Аннотация:** Период исламского научного возрождения в статье объясняется разными концепциями, и эти концепции являются причиной споров между западными и восточными учеными. Также приводятся научные выводы о влиянии ислама как идеологии и арабского языка как научного языка в области теологии, философии, литературы и архитектуры этой новой культуры.

### КИРИШ

Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг хукмрон мавқега айланиши билан исломга асосланган янги маданият тараққий эта бошлади ва унинг ақидаларига тўғри келадиган эътиқодлар, таълимотлар ва ахлоқий нормалар араблар томонидан бутунлай йўқ қилинди. Ислом теологиясининг шаклланиши узоқ муддат давом этди ва бу жараён турли миллатлар ва уларнинг ўзига хос маданиятларидан таркиб топган мусулмон маданияти, мусулмон цивилизациясининг тараққий этиши билан бирга кечди. Турли маданиятларнинг яхши томонларини ўзлаштирган ва уларнинг маърифий асослари билан озиқланган тамаддун яралди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

“Ислом диёрлари тарихига назар солган ҳар бир киши тарих ва ундағи ҳодисалар, ҳаракатлар бошида уламолар турганини дарҳол сезади. Албатта, бу ислом дини хусусиятларидан келиб чиқувчи табиий бир ҳолатdir. Ислом ҳақиқатларини тўғри тушуниб етган уламолар доимо ўз халқи билан бирга бўлади, унинг дард-аламларини бирга тортади. Зотан, ҳақиқий уламолар фаолиятининг ўзи шуни тақозо қиласди. Ислом таълимотлари билан қуролланган уламолар ўз халқи дардига малҳам бўлишга ҳаракат қиласдилар”[1]. Бундай садоқатли уламоларнинг етишиб чиқиши ортидан ислом фикрий ва ақидавий ривожи муттасил давом этган. “Бундан маълум бўладики, ислом дини қотиб қолган ва ҳеч қандай ўзгаришни қабул қилмайдиган дин эмас. Аксинча, у инсонлар эҳтиёжини хар доим ҳисобга олган. Дин кўрсатмаларини татбиқ қилишда воқеликни инобатга олмаслик, ҳаддан ошиш катта хатоларга олиб келиши ва жамиятда турли

ихтилофлар авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада шариатнинг мақсадига олиб борадиган йўллар беркилиб, халқ машаққатга дучор бўлади. Шу боис янги муаммоларни ҳал қилишда воқеликни чуқур ўрганиш ҳамда шариат кўрсатмаларини шунга мувофиқ равишда татбиқ этиш лозим”[2]. Бунинг учун эса исломдан чуқур ҳабардорлик, ислом теологиясини билиш ва моҳиятини англаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам, ислом фалсафасининг ўрганилмаган жиҳатларини ёритиш, кенг оммага фалсафа тарихи нуктаи назаридан тушунтириш муҳим ижтимоий вазифалардан биридир.

Вакт ўтиши билан ислом дини тарқалган ҳудудларнинг жадал кенгайиши, мусулмонларнинг бошқа дин ва маданиятлар билан юзлашиши натижасида янги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг шаклланиши вазиятни ўзгартириб юборди. Янги шароитларда юзага келган масалалар ечими учун Қуръон ва ҳадислардаги далиллар билан бир қаторда ақлий далилларга олдингидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезила бошлади[3]. Натижада ислом дунёсида ислом ва унинг ақидаларини ҳимоялашга қаратилган рационал фикрлаш ва далилларга асосланган ислом теологияси анъаналари шаклана бошлади.

“Ислом энциклопедия”сида ислом динининг асосий жиҳатларидан бири – унга сифинувчи халқлар учун ислом ақидаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш имкониятини берганлиги баён қилинади. Шунингдек, энциклопедияга кўра, ислом ўзининг уч даврга бўлинган ривожланиш босқичига эга. Биринчи даврни истисно ҳолатида Қуръон даври деб айтиш ўринлидир. Иккинчи ривожланиш босқичини ислом динидаги йўналишлар, мазҳаблар ва фирмаларнинг вужудга келиши билан боғлаб тушунтириш лозимдир. X-XI асрларда суннийлар ва шиалар, мұтазилийлар ҳамда ашъарийлар ўртасида муносабатлар, айниқса, кескинлашиб кетганлигини манбалар таҳлили кўрсатади. Учинчи ривожланиш босқичи сифатида мусулмон дунёсида “чекка” ҳудудлар ва ўлкаларининг ўрни ва роли ортгани билан изоҳлаш мумкин. Батамом ўзга маданий анъаналарга эга бўлган халқлар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўшилгач, исломга ўз диний-ахлоқий тасаввурлари, ҳуқуқий меъёрлари ва одатларини олиб кирдилар”[4]. Демак, исломнинг уч тараққиёт босқичида унинг ақидавий, ахлоқий, фиқхий ва рационал асослари сайқалланиб борди ва ўзининг юксак нуктасига кўтарилди. Натижа ислом илоҳиёти ҳам ўзининг юксак чўққисига чиқди ва бу орқали жамиятга ислом ақидасининг мустаҳкам ўрин эгаллашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Ислом теологияси ривожининг илк даврларида барча муаммо ва масалаларни ҳал этишда ваҳий ва пайғамбар Муҳаммад тушунтиришлари, кейинчалик Қуръон, ҳадислар ҳамда саҳоба ва тобеъинлар обрўсига таяниш қабул қилинган эди. Шунинг учун илк мусулмончиликда анъанага, яъни Қуръон, Сунна, тақлидга таяниш устунлик қилган. Шу

билан бирга бу даврда аввало шариат ривожланади. Шариат маъноси – тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчиликни англатади. “Ислом пайдо бўлганидан кейин, орадан 60 йил ўтмай, Ислом давлатининг тили, маданияти ва меъморчилиги Форс еридан то Шимолий Африкагача бўлган улкан ҳудудга тарқалди. Энди умавийлар сулоласининг ҳукмдорлари ўз ҳокимиятининг мутлақ рамзи бўлмиш улкан жомеъ масжини барпо этдилар”[5]. Янги мусулмон жамияти учун жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш масаласи долзарб бўлган. Демак, илк мусулмон жамияти аввало ислом дини, шариатга асосланган қонун-коидаларни ишлаб чиқади. Бу жараёнда ислом илоҳиётининг фикҳ соҳаси (мусулмон ҳуқуқшунослиги) пайдо бўлади. Фикҳ илмининг ривожланиш жараёнида шариат (фикҳ) мазҳаблари (ҳанафия, маликия, шофиъия, ханбалия ҳамда жафария) вужудга келади. Улар, ортодоксал ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шариат масалаларида енгилроқ ёки жиддийроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ килади. Мусулмон ҳуқуки тизимининг муфаққихлар (ҳуқуқшунослар) томонидан мукаммал ишлаб чиқилгани ҳозирги замон тадқиқотчилари томонидан тан олинган. Яъни, “усулул фикҳ илми энг нозик ва ҳамиятли илмлардан биридир. Ислом шариати ва уламолари бу илмни ниҳоятда яхши кўрганлар. Чунки мужтаҳидлар уни ижтиҳод қилишга ва шаръий далиллар ҳамда манбалардан ҳукмларни чиқариб олишга асос қилиб қўйганлар”[6]. Демак, усулул фикҳ илми шаръий аҳкомларни чиқариб олиш қоидаларини ўргатадиган илм сифатида шаклланган. Шундай мураккаб тизимни ишлаб чиқиши жараёнининг ўзида ислом теологияини янада ривожлантиришга зарурат юзага келган ва бу шу даврнинг муҳим талабига айланган. Шунинг учун ҳуқуқий мазҳаблар ўз фаолиятида, яъни ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда, шариатни амалга оширишда Куръон ва ҳадислар, анъанага, шариат тамойилларига таяниш билан бирга ақлга, шахсий мустақил фикрга таянишни мақбул деб топганлар. Бунга мисол сифатида уларнинг ижмо, қиёс, раъй усусларидан фойдаланишганини таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги замон файласуфи Муҳаммад Хотамий ўзининг “Ислом тафаккури тарихидан” асарида ислом илоҳиётшунослиги тасаввуф, калом, машҳоиён (перипатетиклар ёки фалосифа), исмоилий ва ишроқийлар майдонида ривожланиб борганлигини таъкидлайди. Бунга у қуидагича таъриф беради: “Амалда мусулмон жамиятининг рационал мавзуларини ҳамда Каломуллоҳ (Ваҳий) ва ақл, фалсафа ва дин орасидаги муносабатларни муҳокама қилиб, ҳар бири ислом тарихида ва мусулмонларнинг тақдирида алоҳида из қолдирган тўртта йўналишни кўриш мумкин:

1. Ислом фалсафаси деб аталган ва дин билан фалсафа орасидаги уйғунлик муносабатларини олий даражада қўйган оқим.

2. Динни ақлий ва мантиқий муҳокамалар, далиллар билан солиширганда фикрлайдиган одамда уни қабул қилиш учун ҳеч бир имконият қолдирмайдиган ҳолатда олиб күрадиган оқим.

3. Ақл ва фалсафанинг қўли қисқа, оёғи чўлок, у ҳақ ва ҳақиқатга олиб бора олмайди, деган ирфон ва тасаввуф оқими. Суфийлар ҳақиқатга юрак қаноти билан етишиш мумкин, дейдилар ва “далил келтириб исботловчиларнинг оёғи ёғочдандир”, улар ҳаққа етишишга ожиз деб ҳисоблаганлар. Тасаввуф нафсни ахлоқий жиҳатдан тарақкий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиш ҳиссига олиб боради. Шунингдек, ундан завқ ва ақл ила маърифат ҳосил қилишга олиб боради[7]. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуфт асаввуфни иккига – сунний тасаввуф ва фалсафий тасаввуфга ажратади. Фалсафий тасаввуфни барча – тасаввуфга қаршилар ҳам, аҳли тасаввуфнинг ўзлари ҳам қоралайдилар ва инкор қиласидилар. Аммо Қуръон ва Суннатга асосланган сунний тасаввуфни ҳамма қўллайди. Фалсафий тасаввуф кейинчалик пайдо бўлиб, турли фалсафалар таъсири остида ислом динига бегона бўлган фикр ва эътиқодларни олға сурган. Бундай тасаввуфнинг кўзга кўринган намояндалари Мұхйиддин ибн Арабий, Мансур Халлож ва бошқалар бўлиб, улар ваҳдатул-вужуд, хулул ва иттиҳодга сабаб бўлганлар.

4. Дин ва шариат ҳайбати ва ҳашамати олдида инсон ақлининг ожизлигини таъкидловчи оқим”[8]. Ўша даврда қарматий, қадарий, жаҳмий, жабарий, хорижий ва мўътазилий каби йўналишлар пайдо бўлган ва улар ўртасидағи ақидавий тортишувлар ислом илоҳиётини ривожлантирган. Уламолар ўртасида авж олган баҳсу мунозаралар суннат аҳли имонини сусайтира бошлади. Ана шундай бир вазиятда , “аҳли суннат вал жамоат” ақидаларини бир-бирига зид бўлган хилма-хил бидъатчи фирмалардан муҳофаза қилиш мақсадида ислом илоҳиёт йўли – Калом илми вужудга келди. Ботил ақидали бидъатчи фирмалар кўпайгач, калом илми фиқҳ илмидан ажralиб чиқиб, тафсир ва ҳадис илмлари каби асосий илмлардан бирига айланди”[9]. Демак, ислом теологияси соғ исломий ақидаларни бузиб талқин килувчиларга қарши муҳофазакорлик фаолиятини бошлайди.

## ХУЛОСА

Илоҳиётшунос С.М.Хотамий илк ислом теологияси ривожида мавжуд бўлган уч гоявий йўналишни ажратади: шариат – кенг оммага тушунарли бўлган, бир қанча юксак маърифатли кишилар бу оқим тарафдори бўлгани билан, асосан омманинг қўллаб-куватланишига таяниб келган. Уларни муаллиф “зоҳирбин шариат аҳли” деб номлади,

демак, уларнинг ичига, мусулмон ақидапарастлари, анъанавийчилар ҳам кириб кетади. Бу йўналишнинг ичida соф ақл қучидан фойдаланган мутафаккирлар кўп бўлган (муътазилийлар, ал-Ашъарий таълимоти, умуман калом илми намояндадар), лекин “зоҳирбин шариат аҳли”, яъни халқ оммаси ақлий мушоҳадаларни қабул қилмаганлиги сабабли, улар ўртасида тўқнашувлар ҳам содир бўлган. Мисол учун: “Ашъарий таълимотлари бўйича, бир кишидан мусулмонмисан деб сўралганда: “Иншааллоҳ мусулмонман”, деса, имонли саналади. Иншааллоҳ сўзи Ҳудо хоҳласа, деган маънони беради, яъни, ҳали амалга ошмаган ишга айтилади. Масалан, бир киши “машааллоҳ(худо хоҳласа) бу йил ҳажга бораман” деса, эҳтимол борар, эҳтимол бора олмас. Демак, унинг иншааллоҳ деган сўзи аниқ бўлмаган ишга нисбатан ишлатилмоқда. Имонда ноаниқлик, шубҳа дуруст эмас”[9]. Мана шундай фикрий ва нақлий баҳс-мунозаралар ислом интеллектуал фаолиятини ўсишига ҳам кучли туртки бўлган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. –Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2019. –Б. 4.
2. Ислом маърифати ва ҳозирги замон. Нашрга тайёрловчи Абдуллаев А. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. –Б. 13.
3. Абдуллаев А. F. Илмдан бошқа нажот йўқ.. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. –Б. 8.
4. Ислом энциклопедияси. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси ” ДИН, 2004. –Б. 216.
5. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Оlam ва одам, дин ва илм. –Тошкент: “HIOL-NASHR” нашриёти, 2019. –Б.41.
6. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Усулул Фикҳ. –Тошкент: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2019. –Б.3.
7. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тасаввuf ҳақида тасаввур. –Тошкент: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2016. –Б.35.
8. Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Тошкент: Минхож, 2003. –Б.58.
9. Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод. Соф исломий ақида: исломий мафкура. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2019. -Б. 9.